



## ЯНГИЧА ЎЗБЕКИСТОН - ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ

*Халқаро Нордик институти*

Султонов Бобомурот Турсинбоевич

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада сўнги йилларда президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотлар таҳлил қилинади. Муаллиф томонидан ушбу ўзгаришлар ва тараққиёт йўлидаги сай-ҳаракатларни турли хил манбалар асосида кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** “Ўзбек мўжизаси”, ривожланиш, тараққиёт, “Тараққиёт стратегияси”, ҳаракатлар дастури.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, энг аввало иқтисодий-ижтимоий ўсишни таъминлаш орқали инсоннинг фаровонлигини оширишга қаратилган. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт – Ҳаракатлар дастурининг муҳим устивор йўналишлари: миллий давлатчилик ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, давлат ва ижтимоий институтлар ҳамда суд тизими, миллий хавфсизлик, бағрикенгликни ислох қилиш борасидаги вазифаларни изчил амалга ошириш бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, давлатимиз сўнгги беш йил (рамзий-сентябрь 2016 ва 2021 йиллар) давомида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётидаги катта ўзгаришлар, янгиланишларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Албатта, бу улкан ислохотлар давлатимизда инсон манфаатларига асосланган, адолат ҳамда қонун устиворлигига таянган, аҳолининг эртанги кунига ишончини янада мустаҳкамлаган тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги Ўзбекистон даври бошланганлигини билдиради.

Давлатимиз раҳбари тамал тоши қўйган “Ўзбек мўжизаси” ўзининг дастлабки истиқболлини амалга оширди, десак муболаға бўлмайди. Буюк давлатнинг мустаҳкам замин-пойдевори мамлакатимиз тупроғига абадул-абад қўйилди. Замон талабларига мос янги туб бурилишлар даври келди. Қарийб тўрт йиллик муҳокамадан кейин мамлакат давлат раҳбарининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони (2017 йил 7 февраль) қабул қилинди.<sup>1</sup> Бундан кўзланган асосий мақсад – олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилишни янада жадаллаштиришдан иборатдир.

Шу боисдан ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг истиқболли босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида шу жумладан, халқимизнинг онгу тафаккури,

<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: “Адолат”, 2012 – 112 бет.



интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий – конструктив асосларини белгилаб берди, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламал, десак, айти ҳақиқат бўлади.<sup>2</sup>

Иқтисодий стратегия мамлакат барқарорлигини таъминлаш орқали иқтисодий ўсишни юзага чиқариш ва форовонликни таъминлашга қаратилган яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган. Иқтисодиётни ривожлантириш асоси ҳам унинг стратегияси билан боғлиқ.

Мустақилликнинг икки жиҳати бир-бири билан узвий равишда боғланган. Сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақиллик учун шароит ҳозирлайди, иқтисодий мустақиллик эса сиёсий ҳурриятнинг моддий негизи бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва уларга ёндашишга миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги назарияга асосланади.<sup>3</sup> Давлат манфаатларига нисбатан халқ ва инсон манфаатларининг устувор экани билан боғлиқ назариянинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” (2017) давлат дастурининг моҳиятини ифода қилувчи “Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” шиори асосида амалга оширилаётганлиги ҳақиқат. Аслида Ҳаракатлар стратегияси ривожлантириш-прогноزلантириш бўйича фаолиятнинг халқаро амалиётига тўла мос келади. Масалан, Канада, Германия, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларда қабул қилинган миллий ривожланиш стратегияси дунё ҳамжамиятида кенг ном қозонган бўлиб, ижобий натижалар келтирилмоқда.

Ўтказилаётган ислохотлардан мақсад ишонтириш орқали халқни рози қилишдир. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири асосида йил номланишидан келиб чиққан ҳамда алоҳида бир йиллик Давлат дастурини тасдиқлаш кўзда тутилди. Жумладан, 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари; 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш; 2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш; 2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилинган бежиз эмас.<sup>4</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалар нисбатан олинган ҳолда ишлаб чиқилган, бир қатор вазирлик ва тегишли идоралар ижро учун масъул этиб белгиланди. Мисилсиз ислохотларнинг маъно-мазмуни ва мақсадлари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган.

2020 йилда Ҳаракатлар стратегияси бўйича амалга оширилган улкан фаолият силсиласи Янги Ўзбекистоннинг, айниқса иқтисодий жиҳатларига ҳар томонлама эътибор қаратди. Шу боис давлатимиз раҳбари – сиёсатчи, ўз мамлакати “иқтисодий тақдири”ни яхшилаш бўйича аниқ ва тушунарли стратегия муаллифи дейиш мумкин. Ўзбекистон раҳбари сифатида қисқа муддатда мамлакат келажагини яхши томонга ўзгартиришга эришди. Айти вақтда “Тараққиёт

<sup>2</sup>. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилаш сари. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.-3-бет.

<sup>3</sup>. Норматов К. Янги Ўзбекистон меъмори. – Т.: Ўз. Р. ИИВ Академиясининг Тахрир нашрлик хайатида маъқулланган, 2020. – 56-57-бетлар.

<sup>4</sup> Saifnazarov, I. (2023). Yangi O'zbekiston: inson qadri ulug'langan yurt. Ilm-Ziyo-Zakovat. – 66 bet.





стратегияси” маркази дунёда янги ташкил этилган “ақл марказ”лари 50 талик рейтингига

киритилди.<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2020 йил 24 январь) илгари сурилган ғоя ва таклифлар ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланди. “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ташкил этилган брифингда Давлат дастурининг биринчи – давлат ва жамият қурилиши такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари тақдироти ўтказилди. Статистика шуни кўрсатяптики, Давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида фуқаролардан келиб тушган таклифлар 1500 дан ошиб кетди. Фикр-мулоҳазаларнинг ярмидан кўпи айнан биринчи йўналишга тааллуқли эканлиги диққатга созовор. Бу ҳам аҳолининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий онги юксалиб, жамиятдаги янгиланишларнинг фаол иштирокчисига айланаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилиш бўйича ўз моделини яратди. Хусусан, Конституциянинг иккинчи бўлими: “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ўзбек билли” деб аташ академик Акмал Саидов таклиф сифатида қайд қилинди.<sup>6</sup>

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев сиёсий мўжиза сифатида қуйидаги Дастурни илгари сурдилар: “Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик.

Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон.

Бу – кўп миллатли, бағрикенглик, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги.

Ўзбекистонимизда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди”, эътиборга олинди.

Таниқли тарихчи ва сиёсатшунос Азамат Зиёнинг: “Одамларни онгли равишда онгсиз қилиш давримиз тугаб, буёғига одамларни онгли равишда онгли қилиш учун кураш бошлаган экан! Бу кураш, жангдаги қурол эса илм-фан, маърифатдир!”<sup>7</sup>, деган фикрни 2020 йилнинг асосий ғоялари тизимидаги киради.

Ўтган 4-5 йил давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли химоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар амалга оширилди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: “Адолат”, 2012 – 112 бет.
2. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O'zbekiston: inson qadri ulug'langan yurt. Ilm-Ziyo-Zakovat. – 209 bet.
3. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилаш сари. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.-3-бет.

<sup>5</sup> Саифназаров, И. (2022). Pragmatizm tadbirkorlik falsafasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 926.

<sup>6</sup> Хуррият. 2018 йил 23 май.

<sup>7</sup> Халқ сўзи, 2019 йил 8 декабрь.





4. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahridin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyati. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 1029-1038.
5. Sultanov, T. (2023). Methodological Issues of Human Capital Development. *Central Asian journal of social sciences and history*, 4(4), 35-48. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/2G7FY>
6. Саифназаров, И., Умаржонов, С. (2022). Янги Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 414-424.
7. Норматов К. Янги Ўзбекистон меъмори. – Т.: Ўз. Р. ИИВ Академиясининг Тахрир нашрлик хайатида маъқулланган, 2020. – 56-57-бетлар.
8. Умаржонов, С. С. (2022). Ижтимоий фанларни ўқитишда Фахриддин Розий асарларининг ўрни ва аҳамияти. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/737>
9. Хуррият. 2018 йил 23 май сони. <https://uzhurriyat.uz/>
10. Саифназаров, И. (2022). Pragmatizm tadbirkorlik falsafasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 924-929.
11. Халқ сўзи, 2019 йил 8 декабрь сони. <https://xs.uz/uzkr>

